

VIII.ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР

2020 йилнинг январь-март ойларида ташқи савдо айланмаси 1 026,3 млн. АҚШ долларини ўсиш суръати 96,0 %, жумладан 357,9 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 77,6 %, 668,4 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 109,9 % ташкил этди.

2020 йилнинг январь-март ойларида МДҲ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)

	январь-март		2019 йил январь-марта нисбатан % хисобида
	2019 й.	2020 й.	

Ташқи савдо айланмаси	1069,0	1026,3	96,0
------------------------------	---------------	---------------	-------------

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	452,5	461,5	102,0
----------------	-------	-------	-------

бошқа давлатлар	616,5	564,8	91,6
-----------------	-------	-------	------

Экспорт	460,9	357,9	77,6
---------	--------------	--------------	-------------

шу жумладан:

МДҲ давлатлари	137,8	111,0	80,5
бошқа давлатлар	323,1	246,9	76,4

Импорт	608,1	668,4	109,9
---------------	--------------	--------------	--------------


шу жумладан:

МДҲ давлатлари	314,7	350,5	111,4
----------------	-------	-------	-------


бошқа давлатлар	293,4	317,9	108,4
-----------------	-------	-------	-------

**Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ
ва бошқа давлатларнинг улуши, %да**

2019йил январь-март



2020йил январь-март




2020 йилнинг январь-март ойларида вилоят экспорт-импорти таркиби

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидағи улуши, % ҳисобида		Ҳажмидағи ўзгариши, % ҳисобида
	2019 йил январь-маркт	2020 йил январь-маркт	
Экспорт таркиби	100,0	100,0	77,6
пахта толаси	14,9	2,7	14,0
озиқ-овқат маҳсулотлари	5,5	9,5	134,4
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	1,4	3,2	169,6
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,0	0,0	0,0
қора ва рангли металлар	58,9	58,5	77,1
машина ва ускуналар	2,4	1,9	60,6
хизматлар	0,5	0,4	57,0
бошқалар	16,4	23,9	113,4
Импорт таркиби	100,0	100,0	109,9
озиқ-овқат маҳсулотлари	22,6	13,0	63,2
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	8,5	6,8	87,9
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,9	3,6	419,2
қора ва рангли металлар	16,0	13,3	91,2
машина ва ускуналар	28,0	35,2	138,2
хизматлар	1,3	1,2	98,0
бошқалар	22,7	27,0	130,8


Экспорт таркибида товарлар 99,6 % улусига эга бўлиб, булар асосан қора ва рангли металлар (58,5 %), бошқа турдаги товарлар (23,9 %), озиқ-овқат маҳсулотлари (9,5 %), пахта толаси (2,7 %), кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар (3,2 %), машина ва ускуналар (1,9 %), шунингдек, хизматлар (0,4 %) гурухлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Товар ва хизматлар экспорти таркиби (млн.АҚШ доллари)

**2019 йил
январь-март**



**2020 йил
январь-март**




- Пахта толаси
- Озиқ-овқат маҳсулотлари
- Кимё маҳсулотлари ва буюмлари
- Қора ва рангли металлар
- Машина ва асбоб-ускуналар

- Хизматлар
- Бошқалар

Импорт таркибидә энг катта улуш машина ва асбоб ускуналар (35,2%), қора ва рангли металлар (13,3 %) озиқ-овқат маҳсулотлари (13,0 %), ҳамда бошқа маҳсулотлар (27,0 %) гурухлари ҳисобига түғри келди.

Товар ва хизматлар импорти таркиби (млн.АҚШ доллары)




**2020 йилнинг январь-март ойларида вилоят ташқи савдо айланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, % ҳисобида</i>	<i>2019 йил январь-маргга нисбатан % ҳисобида</i>
Канада	17,0	98,9
Туркия	15,7	1898м
Руминия	14,3	15,8м
Қирғизистон	11,3	-
Македония	5,3	27,1
Россия	5,2	18,1
Қозоғистон	3,6	20,9м
Гонконг	3,1	2,1м
БАА	2,8	183,1
Украина	2,6	76м
Венгрия	2,3	142,2
Афғонистон	1,9	8,7
Хитой	1,8	136,8
Тожикистон	1,3	3,3м
Индонезия	1,1	39,2м
Тайланд	0,9	2292,5м
Люксембург	0,7	5,5м
Испания	0,6	80,5
Латвия	0,5	17250м
Ирландия	0,5	33,8
Литва	0,5	-
Албания	0,5	2,1м
Нидерландия	0,5	209,6м
Португалия	0,4	9м
Финляндия	0,4	4,5м
Бельгия	0,4	104,4
Швейцария	0,4	48,8


Экспорт қилинаётган товар ва хизматларнинг асосий қисми Туркия, Россия, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳиссасига түғри келмоқда. Бу эса умумий экспорт ҳажмининг 75,5 % ини ташкил қилади. Туркия, Россия, Қозоғистон ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилинаётган товарлар таркиби назар ташласак, асосан энергия манбаалари ва нефт маҳсулотлари, кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари гурӯхларидан иборат эканлигини кўришимиз мумкин.

2020 йил январь-март ойларида МДҲ ва бошқа хориж давлатлари билан амалга оширилган ташқи савдо таркиби %ода

Экспорт




Импорт



Вилоятда ташқи савдони қўллаб-қувватлаш ҳамда МДҲ давлатлари билан ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида 2020 йил январь-март ойларида ташқи савдо айланмасида МДҲ давлатларининг улуши 45,0 % ни ташкил этди ҳамда ташқи савдо айланмаси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 % га ошиди.


Бошқа хорижий давлатларнинг вилоят ташқи савдо айланмасидаги улуши 2020 йилнинг январь-март ойларида 55,0 % ни ташкил қилган бўлса, 2019 йилнинг ушбу даврида эса ташқи савдо айланмасидаги улуши 57,7 % га тенг эди.

**Тошкент вилоятининг кичик бизнес корхоналарининг
ташқи савдо айланмаси
(млн. АҚШ доллари)**



Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан саноат тузилмасини диверсификатсия қилиниши, экспортни қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи товар ва маҳсулотларни ишлаб чиқаришни янада оширилиши натижасида вилоят ташқи савдо айланмасида кичик бизнес корхоналарининг улуши ошиб бормоқда.

**Хорижий капитал иштирокидаги рўйҳатдан ўтган корхоналарнинг
худудлар бўйича тақсимланиши**
(2020 йил 1 апрель холатига)



Хорижий капитал иштирокидаги рўйҳатдан ўтган корхоналар 2020 йил 1 апрель холатига таҳлил қилинганда вилоятда жами 1360 та корхона рўйҳатдан ўтган бўлиб, шундан Зангиота (180 та), Қиброй (138 та), Юқоричирчик (111 та) туманларида, Ангрен шаҳарида (101 та), Ўртачирчик туманида (84 та), Чирчиқ шаҳарида (83 та), Тошкент (77 та), Янгийўл (75 та), Оҳангарон туманларида (74 та), Янгийўл (66 та), Нурафшон шаҳрларида (62 та), Бўстонлик (54 та), Кўйичирчик туманларида (46 та), Олмалиқ (46 та), Оҳангарон шаҳрларида (43 та), Чиноз (25 та), Паркент туманларида (23 та), Бекобод шаҳрида (21 та), Пискент (16 та), Оққўрғон, Бўка (12 тадан) ва Бекобод туманларида (11 та) хорижий капитал иштирокидаги корхоналар рўйҳатга олинган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

2020 йилнинг январь-март ойларида жами 47,3 минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотлари 21,5 млн. АҚШ долларига экспорт қилинди (ўсиш суръати – 2,2 марта ошган). Мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт таркибига қаралса, 2020 йилнинг январь-март ойларида 41,3 минг тоннадан кўпроқ сабзавотлар 15,6 млн. АҚШ долларига ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 21,9 минг тоннага кўп микдорда экспорт қилинган.

Шунингдек, 3,2 минг тонна мева ва резаворлар 3,3 млн. АҚШ долларига экспорт қилинган бўлиб, экспорт ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,0 минг тоннага кўпроқdir.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти

(январь-март, 2020 й.)



Мева ва резаворлар



Узум



Қовун ва тарвуз



Ерёнгок



Сабзавотлар

3,2 минг тонна

3,3 млн.

АҚШ доллари

2,6 минг тонна

2,3 млн.

АҚШ доллари

0,004 минг тонна

0,001 млн.

АҚШ доллари

0,2 минг тонна

0,3 млн.

АҚШ доллари

41,3 минг тонна

15,6 млн.

АҚШ доллари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, вилоятнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, янги бозорларни ўзлаштириш натижасида мева-сабзавот маҳсулотларини, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва мевалар экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг январь-март ойларида мева-резаворлар ҳамда сабзавотлар экспорт ҳажми 18,9 млн. АҚШ долларига teng бўлиб, умумий экспортдаги улуши 5,3 % ни ташкил этди.